



Милодий 1451 йилда тожу тахт энг йирик турк султонларидан бирига – Мухаммад алайхиссалом динининг жонкуяри сифатида Фотих номи билан шухрат козонган Мухаммад Иккинчига насиб этди. Тахтга ўтирганида энди йигирма бир ёшда бўлган Фотих ўттиз йил подшоҳлик килди. У амир Муовия давридан бери кўплаб камалларга бардош бериб, Ислом кучларига таслим бўлмай келган Кустантания (Константинопол) ни босиб олишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Кустантания императори туркларга қарам бўлиб, солиқ тўлаб турарди, шаҳар барча овруполиклар учун ва айниқса юз эллик йил мобайнида турклар билан жангу жадаллар олиб борган Шаркий Оврупо насронийлари учун очик эди. Илгариги султонлар Босфорнинг Осиё қисмида, Константинополга бевосита яқин бўлган Онадўли Хиссор деб номланган жойда қурдирган қасрини у Румели Хиссор, яъни Оврупо саройи деб атади. Қалъа қуриб битказилгач, Мухаммад ўрта асрлар охирида ўз номи билан боғлиқ машҳур камаллардан бирини амалга оширишга киришди.

Ўшанда Эскишаҳарда ўн минг аскар бор эди. Венетсияликлар ва юнонлар туркларнинг шу атрофдаги ҳарбий-денгиз кучлари устунлига қарамасдан, қуршовда қолганларга ёрдамга қилишди. Шаҳар шарқ томондан ҳимоя қилинди. Чунки византияликлар йўгон чўян занжир тайёрлатиб, у билан Олтиншоҳ қўрғазини бирорта кема қиролмайдиган даражада тўсиб қўйган эдилар. Мухаммад Иккинчи шаҳарнинг қувватли деворларини гарбий ва шимолий томондан ўққа туттирди, бироқ эпчил ҳарбий қисм унинг ўпирилган жойларини зудлик билан ямаб турарди. Мухаммад шаҳарнинг жанубидан ёки шарқидан қўринишга жазм этмади. «Занжирни узишга уриниб қўрсаммикин?» Бунга ҳам имконият йўқ, чунки шаҳар девори устига ўрнатилган тўплар тўппа-тўғри қўрғазни нишонга олиб турарди. Қани энди кемалари нариги томонда бўлса. Умуман уларни бошқа соҳилда барпо этса бўлармиди? Йўқ, бўлмас эди, сабаби у томонда бирорта кемасозлик майдони йўқ. Улар қирғокка урилишлари ва гирдобда соҳиллар орасида илиниб қолишлари мумкин эди. Таваққал қилиб қўрсинми? У денгизчи муҳандисларга маслаҳат солди. Улар бир синаб қўришга, ўз навбатида Мухаммад эса бунинг учун катта муқофот беришга ваъдалашишди. Қуруқлик оша етмишта енгил кемани Қора денгизга судраб олиб қелиб, тўлик

жихозланган аскарлари ва замбараклари билан сузишга кўйиб юборишди. Унчалик катта бўлмаган бу денгиз кучлари шахарга орка томондан хужум қилиб, қуршовни дарз кеттирди. Мухаммад ғарб томондан зарба бериб, қалъа деворининг йикитилган жойидан Эскишахарга бостириб қиришга муваффақ бўлди. Қонли жангда сўнгги император Константин ўлдирилди. Венетсияликлар ва генуяликларнинг кемалари кўпгина насронийларни омон саклаб қолди. Нихоят, қудратли Кустантанія (Константинопол) шаҳри таслим бўлди.

Бу воқеа катта сиёсий аҳамият касб этмади, чунки турклар юз йиллар мобайнида Болконда хўжайинлик қилиб туришарди. Лекин мазкур галабанинг бошқача бир аҳамияти бор эди. Қадимий маданият соҳиби ҳисобланган бу шаҳар насроний черкови маркази ва азалий императорлар маскани бўлиб қелган эди. Унда бутун Оврупо ардоғидаги Авлиё София кафедрал собори жойлашганди. Шу сабабдан ҳам шаҳарнинг қўлдан кетишидан бутун қитъа оғир қайғуга чўкди. Мағлублар шаҳарни тарқ этишаркан, қадимий адабий хазинани ўзлари билан олиб кетиб, Оврупони бойитдилар. Бирок қитъа аҳолиси бу йўқотишни ҳеч қачон унута билмади ва туркларни авф эта ҳам олмади. Шу даврдан бошлаб Овруподаги ҳар бир қўл туркларга қарши чўзилаверадиغان бўлди. Қитъадаги барча халқлар бирин-кетин улар билан қурашиб қикди, шу тариқа уруш тўрт юз йил давом этди. Насронийлар 1492 йили Ғарнотадаги сўнгги мусулмон подшоҳлигини қарбод қилмагунларича унга хужум қилавериб, аламларидан қикишди.

Мухаммад Фотих унвонига у факат Константинополни қабт этгани учун эмас, балки қўп қарталаб қарар қучгани туфайли сазовор бўлган. Хунёди ҳали турк ерларига қуриш қилиб турарди. Мухаммад ҳам ўз навбатида 1456 йилда Сербиянинг қойтахти Белград шаҳрини қамал қилди. Шундай бир қайтда Хунёди вафот этиб, Мухаммад эса қолибона қуришини давом эттирди. У 1458 йилда Сербияни, 1458 ва 1461 йиллар оралиғида Босния билан Херсеговинани эгаллади. Бу минтақаларда қўпчилиқ Ислоқ динини қабул қилди. Шу йиллари туркларнинг денгиз қучлари Эгей баҳридаги ороллари қосиб олди.

Бирок ҳар қадамда Венетсия ва Генуяга мадаққор бўлиб қелаётган машҳур Искандар бошчилиғидаги Албания бир қекқада қолаётган эди. Искандарбек вафотидан кейин 1467 йили бу мамлақат ҳам қосиб олинди. Ана шу галабалар Оврупони таҳликага қосиб қўйди. Мусулмонларнинг бошқа бир шохобқаси қитъада шарқ томондан ҳам ҳуруж қилаётган эди. Венетсия айниқса ташвишга тушиб қолди. Усмонлилар Византияга қарам барча Эгей ороллари эгаллаб, Венетсия билан Русиянинг қўпгина тижорат бозорлари жойлашган Қора денгиз бандаргоҳларига олиб қорадиган савдо йўлини ёпиб қўйишди. Хаяжонга тушган Папа яна «Насронийлар ҳавф остида!» деган эски даъват билан навбатдаги қалиб қуришини уюштиришга қогланди. У ҳатто маълум натижага эришди ҳам.

Можаристон билан Венетсия жангга ҳозирлиқ қўра бошлади, бирок бундан ҳеч нарса қикмади. Бетайинлиқдан қарчаган турклар орқага қайтиб қетишди. 1469 йили Долматия ва Хорватия, 1470 йили Адриатика денғизидаги Негропарте бандаргоҳи эгалланди. Венетсияликлар Форс билан иттифок тузиб, шохни Шарқдаги туркларга қарам ўлкаларга хужум қилишга тезлашди. Форслар жангга отландилар, лекин турклар 1473 йилида Эрсинжонда уларга зарба берганларидан кейин Венетсия томонга қурилиб, шимолий Албаниядаги бир қанча шаҳарлари ҳам қўлга қиритдилар.

Венетсия денгиз қучлари Скутарига хужум қилди, турк денғизчилари эса Адриатикага сузиб қирганларича Венетсиянинг ўзини нишонга олиб, уни муомалага ўргатиб қўйганлиқларидан ташқари қўп қулфатларга сабаб бўлган урушга қек қўйган сулҳ битими имзоланишига ҳам бошлаб қелдилар. Турклар юқори Албанияни, Негропартени,

Эгей ороллари ишгол килишди. Кора денгизда савдо килиш ижозати учун Венетсия хар йили султонга 10 минг дукат тўлаб туришга рози бўлди.

Мухаммад фотихликда ҳам, маъмур сифатида ҳам буюк инсон эди. Кустантанияни эгаллагач, у насронийлар ва юнонларга шахарда қолишга рухсат берди, хатто юнонларнинг қабила бошлиги Геннадиосни турк ерларидаги барча насронийларнинг дин пешвоси сифатида қабул қилди, арман черковини ҳам эътироф этди. Янги сарой ҳамда подшоҳ куллари қўқитиш учун мактаб қурдирди ва янгича ўқув тартибини жорий этди. Хорижий юртларнинг элчиларини султонга рўпара бўлишларига қадар қабул қилиб туриш учун бош вазирга ўз саройига эга бўлиш ихтиёри берилди. Бу сарой Боби Али (Қатта дарвоза), Оврупода эса «Гранд гейт» ёки «Сублим порте» деб ном олган. Қуч-қувватга тўлган Мухаммад улуг ниятлар билан яшарди. У, шунингдек, шеърият ва санъатга ихлос қўйган маданиятли киши эди. Ислоҳ тадқиқотларига зўр муҳлис бўлган Мухаммад айниқса форс шеъриятини жуда севарди, юнон маданиятига қойил қоларди. Унга Рағуси шаҳридан юнон қўлғамаларини ҳадя қилиб келтиришди. У ҳуқуқшуносликни ўйла қўйди, мактаб очдирди, масжидлар ва қасалхоналар қурдирди. Гоят илғор дунёқарашга эга бўлгани учун билим ва маданият соҳасига ҳомийлик қилиб турар, фозилу фузалолар билан мулоқотдан жуда роҳатланар эди. У бутун Оврупода ажойиб инсон сифатида танилди. Бежизга мағлуб венетсиялик расом Беллини унинг тасвирини акс эттирмаган эди...

Инглизчадан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Ҳолмурод таржимаси.